Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, муста-қилликдан аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди, бугун эса мавжуд барча ҳўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этади.

Президентимиз ушбу нутқларида Ўзбекистонда тад-биркорлик ва кичик бизнес соҳаси айнан қандай прин-циплар асосида, қандай заминда ривожланаётгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Ўтган аср 90-йилларининг бошларидаёқ консти-туциявий норма ва тамойиллар асосида қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Мулкчилик тўғрисида»-ги қонунлар қисқа муддатда саноат, савдо, умумий овқатланиш ва хиз-матлар соҳаларидаги ўн минглаб, юз минглаб давлат мулки бўлган объектларни хусусий мулкка айланти-риш учун сотиш, мулкни ижарага бериш принциплари-ни биринчи навбатда қишлоқ ҳўжалигида жорий этиш имконини яратди.

Мамлакатимизда 2000 йили қабул қилинган «Тад-биркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонун хусусий тадбиркорликни ривож-лантиришда асосий роль ўйнади. Ушбу қонунда фуқа-роларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши учун барча асосий кафолат ва шартлар мустақ-камлаб қўйилган, тадбиркорлик ва бизнес субъектла-рининг ҳўқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳо-фаза этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги Фармони мамлакатимизда қўлай ишби-лармонлик муҳитини шакллантириш, «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияладиган

фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомил-ларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғри-сидаги» бизнес субъектларини ташкил қилишни сод-далаштириш ва уларнинг аяда эркин фаолият юри-тишини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Фақат 2005 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда микрофирма ва кичик корхоналар учун айланма маблаг-дан олинадиган ягона солиқ тўлови ставкаси 2,5 ба-робар камайтирилиб, 13 фоиздан 5 фоизга туширил-ди, халқ амалий санъати ва оилавий бизнес объек-тлари эса умуман солиққа тортилмайди ёки энг кам ставка бўйича солиқ олинади.

Бизда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси камайтирилди, харидоригр бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона-лар 5 – 7 йилга солиқ тўловидан озод қилинди, иш-лаб чиқариш техника ва технологик янгилайдиган, модернизация қиладиган корхоналар эса божхона тўловларидан бутунлай холи этилди.



ТАДБИРКОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ

Бу борада мамлакатимизда ташкил этилган «Наво-ий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» эр-кин индустриал зонаси ва Жиззах индустриал зона-сида юксак технологиялар асосида самарали фаоли-ят кўрсатаётган бизнес субъектлари тажрибасини ми-рол тариқасида келтириш мумкин. Бу бизнес субъек-тларига солиқ ва божхона тўловлари бўйича катта им-тиёзлар белгиланган.

Бизнеснинг эркин фаолият кўрсатишининг асосий шартларидан бири, биринчи навбатда, тадбиркорлик эркинлигининг қўлчи ҳўқуқий кафолатларини таъмин-лаш, уларни сўзда эмас, амалда бажариш, давлат, ҳўқуқ-тартибот, назорат органлари ва тузилмалари то-монидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашув-ларга чек қўйиш ҳисобланади.

2005 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўчиқазтириш рухсат бериш тизи-мидан барбардор қилиш тизимига ўтилди. Ўз бизне-сини очиб учун тадбиркорга икки кундан ортиқ бўлма-ган муддат талаб этилади ва бу қорда ривожланган давлатларда амал қиладиган мезонларга жавоб бера-ди.

2012 йилнинг июль ойида Халқаро молия корпо-рацияси билан ҳамкорликда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка аяда кўпроқ эркинликлар бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентиининг иккита Фармони қабул қилинди.

Давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви камайиб бориши муҳим омиллардан би-ридир. Шу мақсадда 2012 йилнинг ўзида рухсат бе-ришга оид 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензия-ланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилин-ди, молиявий ҳисоботларни топширишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилди. Бундай қисқартиришлар кейинги йилларда ҳам изчил давом эттириляпти.

Энг муҳими, қўллаб хорижий сармоядорлар бизга ўз капиталларини киритмоқда. Бу чет эл инвесторла-ри биритган сармоялар ўзини оқлаши ва Ўзбекистон-да бизнес қондаларининг ҳеч қачон бузилмаслигига бўлган ишончини билдиради. Шунинг учун ҳам бизнинг юртимизга киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий ин-вестицияларнинг оқими кескин ортиб бормоқда.

Осиё тараққиёт банки маълумотларига кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри ке-ладиган даромад кўпайиб бормоқда.

Бундай катта ютуқларга эришиш осонликча бўлмади. Президентимиз айтганидек: «Ҳаммамиз яхши би-ламизки, бизга собиқ совет тизимидан бир томонла-ра ривожланган, фақат хомашё етиштиришга йўнал-тирилган, пахта яккахокимлиги ҳалоқатли даражада авжига чиққан, ишлаб чиқариш ва социал инфрату-зилмаси ўта қолқ, аҳоли жон бошига истеъмол кўрсат-кичи энг паст бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди».

Бинобарин, Истиқлол даврида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсадлари – ай-нан шу иқтисодий қолқликдан қутулиб, юртимизни ривожланган давлатлар сафига қўшишдан иборат.

Дунёда 252 та мамлакат бор. Шулардан 19 тасиги-на ривожланган давлат ҳисобланади.

Олдимида қўйган асл мақсадимизга етиш учун та-раққиётга омил бўлган жиҳатларни пухта ўрганиб, шу-ларни амалда қўлашимиз зарур. Дунё бозори – бит-та. Ундан ҳар ким умумхирмонга қўшган ҳиссасига қараб улуш олади. Қайси давлатда ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш қўчлари ва ишлаб чиқариш муноса-батлари паст даражада бўлса, янги технология ишга тушмаса, маҳсулот етиштиришда саноатнинг улуши

кам бўлса, экспортга нисбатан импорт ҳиссаси кўпроқ ўрин тўтса, шу мамлакат қолқликча юз тутиб, халқи оғир, лекин унумсиз меҳнат билан шуғулланишга маҳ-кум бўлиб бораверади. Оддий ҳақиқат шуки, кимлар-дир айнан йиллар, асрлар мобайнида меҳнат ва тур-муш шароитини яхшилаб олгани туфайли нисбатан кам, лекин оқилона меҳнат сарфлаб, кўп моддий да-ромад топади, кимлардир кечани – кеча, кундузни – кундуз демай, елиб-югуриб, оғир меҳнат қилиб ҳам тирикчилик қозонгани зўрага қайнатиб юраверади.

Айнан шунинг учун ҳам ҳамма тадбиркор бўлишга интилиши – шарт.

Бугунга келиб ҳам оқ қозғоғи рўкча билан ёзиб ўтир-ган олим ё ёзувчини XIX аср кишиси ҳисоблашдан бошқа илож йўқ, Чунки, ҳатто, XX асрнинг ҳам вақтини қизганган аксар қаламқашлари машинкада ижод қилишга ўтиб кетган эди. Ўтган юзйилликнинг маш-хур адаби Габриэль Гарсиа Маркес: «Агар олдинроқ компьютерда ёзишга ўтганимиз эди бундан ҳам кўпроқ ва ҳўброқ асарлар ёзган бўлар эдим», деган экан.

Ёзувчи ё олим у ёқда турсин, компьютерда ишламай-диган, интернетдан фойдаланмайдиган оддий мута-хассисини ҳам XXI аср талабларига жавоб берадиган ҳодим деб ҳисоблаб бўлмай қолди. Компьютер ва ин-тернет орқали ишлашга ўтишнинг ўзи ҳам кишидан тадбиркорлик талаб қилади.

Ҳозир ҳар қадамда тадбиркорликка эҳтиёж бор. Ҳаётнинг ўзи шуни талаб қилиб турибди.

Бухоронинг Ромитан туманида айрим фермерлар тракторларини бонан газ билан ишлайдиган қилиб олган. Бу ёқилғига камдаи беш баробар кам маблаг сарфлашни таъминляпти. Тошкент вилоятининг Пар-кент туманининг аср-асрлардан буён чўп ҳам суқилма-ган қирларида тадбиркорлар гектар-гектар бог-роғ-лар барпо этиляпти. Олма, олча, гилос, хусусан, ток шу-нақа кўкариб, шу қадар сифатли ва мўл ҳосил беряп-тики, кўриб кўз қувонади. Ахир, дунёда одам кўпай-гандан-кўпайиб борапти. Бу халқни озиқ-овқат билан таъминлаш керак. Тадбиркорлик деган тайёр ошни пишириб ейиш дегани эмас. Йўқдан бор қилиш – асл тадбиркорлик.

Бир тажрибали танишимиз тақдир тақозоси билан Сирдарёнинг Сардоба туманидаги қишлоқлардан би-рида вақтинча яшаб қолди. Қараса, кенг дала, ёнида бир кўл ҳам бор. Қирғоққа яқин ерда бир вақтлар қурилиб, ҳозир эгасиз қолган омонатгина бир эски шийпонча ҳам турибди. Шу ерга қўйиб олибди. Товуқ, қурқа, ўрдақ, гоз боқишни бошлабди. Авал бешта-дан, кейин ўнтадан... Бир-икки йилда кўпайиб кетиб-ди. Ҳозир ёнига яна бир хашаматли уй қуриб, яшаяп-ти... Тадбиркор дегани шундай «борни бўлдирадиган, йўқни йўндирадиган» одам бўлса керак-да.

Сирдарё вилоятининг ўзида ҳозир 300 дан ортиқ балиқ етиштирадиган тадбиркорлар бор. Ҳаммаси шундоқ ҳам бекордан-бекорга оқиб кетаётган зовур-ларнинг шўр сувидан фойдаланади. Фермерларимиз ўқиб-ўрганиб, хориж тажрибаларини амалда қўллаб, балиқчиликнинг юртимизга мос янги технологиясини яратиб олган, десак, янглишмаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаёт кишидан ҳар қуни, ҳар лаҳза тадбиркор бўлишни талаб этади.

1997 йилдан бери мамлакатимизда Ўзбекистон Ре-спубликаси Президенти соврини учун «Ташаббус» кўри-танлови ўтказиб келинади. Фолиблар тантанали ра-вишда тақдирланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ ба-дий хўнамандчилиги ва амалий санъатини ривож-лантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги (1997) Фар-мони иловасида белгилаб берилган 25 турдаги хўна-мандчилик фаолияти билан шуғулланаётганлар қатъ-ий белгиланган солиқ ва божхона тўловларидан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 июлдаги «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хўнамандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорида қасаначилик фаолияти хўнамандчилик билан тенгла-штирилган ва хўнамандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари рўйхати (42 та йўналиш) белгилаб берилган. Бу рўйхатга киритилган фаолият турлари билан шуғулланганлар Республика «Хўнаманд» уюш-масига аъзо бўлиб кириш ҳўқуқига эга.

Булар ишбилармонлар учун яратилган имкониятлар-нинг айримлари, ҳолос. «Кичик бизнес ва хусусий тад-биркорлик йили» бўлган 2011 йили бу борада янги қонунлар қабул қилинди, мавжуд қонунларга эса жи-дий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг йўл очиб беришга қаратилган қонун ва қонунности ҳўж-жатлари қабул қилиш кейинги йилларда ҳам изчил

давом эттирилди. Жумладан, 2013 йилнинг 8 августи-да Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспор-тини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида» Қарори қабул қилинди. Бу тари-хий ҳўжат асосида кичик бизнес ва хусусий тадбир-корлик субъектларининг экспорт салоҳиятини аяда кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни қўпайти-ришда ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳўқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, мамлақати-мизнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташқи бо-зор конъюнктураси ўзгаришлари хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида рес-публика минтақаларида ҳудудий филиаллари бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари-нинг экспортини қўллаб-қувватлаш жағмармаси таш-кил этилди. Бу эса ушбу соҳа ривожини учун кўп янги имкониятлар очди.

Тадбиркорликни ривожлантириш дегани амалда аҳолининг ўз қунини ўзи қўриши, янги-янги иш жой-ларини пайдо қилиш. Боқимандалик асоратидан қуту-лиш, турмуш фаровонлигига ўз қуни билан эришиш. Моддий манфаатдорлик асосида ишлаб чиқариш оми-лини қўчатиришга ҳисса қўлиш дегани. Бу ҳаммани, аввало, ўзи, кейин оиласи, қолаверса, мамлакат тақ-дирга дахлдор ҳис этилиши олиб келади.

Мустабид тузум замонида ҳамма ишлаб чиқариш давлатники эди. Ҳатто, кооператив ташкилотлар ҳўқуқи ҳам ўта чекланган бўларди. «Қолхоз ҳисобида пул бор, лекин болалар богчаси эшикларини таъминлаш учун давлатдан сўрамасдан бир чалак миҳ ҳам сотиб олол-маймиз», – деган эди бир бой ҳўжалик раиси. Айнан шунинг учун ҳам қаерда бир маҳсулот ишлаб чиқари-лса, қайси корхона ёки ташкилотда даромад кўрилай-ган бўлса, ҳатто, қонунсиз асосда шу ердан тама қилиб ётган соҳалар вакиллари кўп бўлар эди. Томорқа эса – хусусий. Қолхознинг даласидан қоплаб сабзи-пиёз сўра-ган «текширувчи» бригадирнинг томорқасида етишти-рилган маҳсулотдан бир чалак ҳам сўрай олмас эди.

Беш кўл баробар бўлмаганидек, баъзида кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлар йўлига сунъий равишда тўсиқ бўлаётганлар бор. Юртбошимиз қатъий туриб жамиятнинг шундай иллатлардан тозалашни ўқтириб, шу йўлда қонунчиликни аяда тақомиллаштиришнинг чинакам ташаббусқори бўлиб келяпти.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистонимиз яна қай-тадан дунё билан богланиш ҳўқуқини қўлга киритди. Бизда тадбиркорликни ҳам қайта бошдан йўлга қўйиш-га тўғри келди. Ахир, шўро даврида ҳеч биримизни ота-онамиз тадбиркор бўлишга ундаб тарбияламаган-да. Аксинча, бойлар синф сифатида тугатилган, хусу-сий мулкка эгаллик қилиб, сармоядор бўлиш қаттиқ қораланган.

Тадбиркор дегани – тиниб-тинчимас, елиб-югура-диган, кунда иزلанадиган инсон дегани. Бу жамият учун жуда ноб ҳодиса. Дангасалик, танбаллик, лоқайд-лик, камҳафсалалилик иллати ҳар қандай одамнинг шаштини тушириб, ишини унумсиз қилиб қўяди. Ҳатто, Алишер Навоийдек буюк заҳматқаш зот ҳам бундан истисно эмас эканлар.

Шоирнинг ўзи тузган биринчи девон «Бадойиё ул-бидоё» «Добоча»-сида шу ҳақда сўз боради. Шунча шеър ёзгани билан, улар бир ерга йиғилиб, девон тарзида тартиб берилмаган, шунинг учун мухлислар уларни топиб ўқишда сарсон эди. Шунда хотиждан бир садо келиб, ёзган шеърларини мисли фарзанд ҳисоблайди-да, шоирга:

Равомудур бизинг фаррух замонда
Аларни дарбадар қилмоқ жаҳонда?

Барин йиғ эмди андоқким атолар,
Суруқ тифлин нечўқким кадҳудолар, –

Ки бор ул хайли саргардон сода,
Сенга фарзанд, бизга хонзода, –

дейди. Кейин шу нидо келиши ва шоирни ишга, меҳ-натга ундаш яна давом этади, ҳатто, ана шу «хирад (ақл) лири» ва «ақл хабири (хабарчиси)» ачиқ-тизиқ гаплар ҳам қилади:

Ранж кўрман киши топарму фароғ?!
Қўнги ўртанмайин ёнарму чароғ?!
Тухм, ерга кириб, чечак бўлди,
Қурт, жондин кечиб, ипак бўлди.

Лола тухмича гайратинг йўқму?!
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?!
Гўё шоир бу гапларини ҳар қуни ҳар биримизга айтаётгандек. Чунки тадбиркор бўлиш дегани фаро-ғат топиш учун ранж чекиш, чироқ каби қуйиб, ёри-тиш, гул бўлиб очилиш учун уруғ каби ерга кириш, ипак тўқиш учун қурт каби жондан кечиб керак.

Шундай замон келдики, ҳамма қўлидан келгани қадар, имконияти доирасида тадбиркорлик билан машғул бўлсин! Бу – эзгу гоа.

Ҳамма замоналар ва маконларда ҳам жамиятнинг муайян гоалар бошқаради, беклаштиради, қай-сидир мақсад-муддаоларга етаклайди.

Шу маънода юртимизда тадбиркорликка даъ-ват этилаётган экан ва бу борада барча зарур шарт-шароити имтиёзлар яратилаётган экан, ал-батта, ҳаётда бунинг ширин меваларидан баҳра-манд бўламиз.

Олим МАҲМУДОВ

Реклама ўрнида

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ АРХИВИ ЖАМОАСИ



барча ҳамшаҳарларимиз,
пойтахтимиз меҳмонлари ва
соҳа ходимларини азиз ва
жонажон юртимиз
Мустақиллигининг 23
йиллиги байрами билан
самимий муборакбод этади.

**Юртимиз фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши
йўлида олиб бораётган барча бунёдкорлик
ишларингизда улкан ютуқлар тилаймиз.**

Соғлом бола йўлида хонадонларимиздан
болажонларимизнинг қувноқ кулгулари
аримасин.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

“ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ” УНИТАР КОРХОНАСИНИНГ “ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини
Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади.
Истиқлол шарофати ила кун сайин ривожланиб бораётган мамлакатимиз
бунданда равнақ топиб, юксалишда давом этсин.

Барчамиз учун қадрли бўлган ушбу байрам хонадонларингизга бир дунё қувонч келтирсин.
Эзгулик, ватанпарварлик, фидойилик ва меҳнатсеварлик каби хислатлар
Сизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Фурсатдан фойдаланиб, қуйидагиларни эътиборингизга оling:

Газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг.

Ностандарт газ асбобларидан фойдаланиш, газ асбобларини газ таъминоти термоларига
ўзбошимчилик билан улаш, резина ичаклар орқали улаш ҳолатлари газдан бўғилиш, заҳарланиш,
ёнғин ва портлаш каби бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Газ асбобларини харид қилиш,
ўрнатиш ва таъмирлаш масалалари бўйича тумангаз мутахассисларига мурожаат қилинг.

Агарда хонадонингизда ёки ерғула ва йўлакларда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз
авария-диспетчерлик хизматига ёки

Марказий авария-диспетчерлик хизматига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

104; 255-44-27; 255-44-29; 253-56-19; 253-56-31.

Газ ҳўжалиги ходимлари етиб келгунга қадар газ жўжалигини беркитинг, эшик-деразаларни очиб хонани шамоллатинг.

Сувурт ёқманг, чекманг, электр асбобларидан фойдаланманг, электр чироқларини ёқманг, ёниб турганларини ўчирманг!

Юқорида қайд этилган ишлар ўз вақтида бажарилса, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўласиз.

Шуни эсдан чиқармангки, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва сарфланган газ ҳақини ўз вақтида

тўлаш — газ ускуналари ва қувурларининг мунтазам текшириб, соғлом ҳада таъмирлаш учун имконият яратди.

Хонадонингизнинг тинчлик-хотиржамлик тарк этмасин, ҳамиша ҳурраданчилик ва байрамона кайфият ҳамроҳингиз бўлсин!

ҚАДРЛИ ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ!

Барчангизни азалий орзу умидларимиз
ушалган кун — Мустақиллигимизнинг 23
йиллиги айёми билан муборакбод этамиз.

Османимиз мусатфро, тинчлигимиз абадий,
эзгу ниятларимиз ҳамиша ижобат бўлсин!

«ГУЗАР СЕРВИС»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ

яқинлашиб келаётган
Мустақиллигимизнинг
қутлуғ 23 йиллиги байрами билан
чин дилдан қутлайди.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусатфро,
дастурхонимиз тўкин бўлсин.

Юксак тараққиёт йўлидан
бораётган мамлакатимизнинг
янада гуллаб-яшнаши
йўлидаги бунёдкорлик
фаолиятингизда янгидан янги
зафарлар тилаймиз!

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни давлатимиз Мустақиллигининг 23
йиллиги байрами билан самимий қутлаймиз.

Оилангизга бахту саодат, барча эзгу
ишларингизга улкан муваффақиятлар
тилаймиз.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусатфро бўлсин!

“ТОШБОШПАНЛИТИ” ОАЖ ЖАМОАСИ

БАРЧА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ

Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги
байрами билан муборакбод этамиз.

Тинчлигимиз, осойишталигимиз,
эрк ва озодлигимиз бардавом бўлсин.
Кун сайин тараққий этаётган диёримизга
кўз тегмасин. Хонадонингиздан қувонч
шодлик, файзу тароват ва барака
аримаслигини тилаймиз.
Байрамона кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз
бўлсин!

“ТОШБОЗОРСАВДО” УЮШМАСИ ЖАМОАСИ



**Мамлакатимиз
Мустақиллигининг
23 йиллиги арафасида
Ўзбекистон Электрон
оммавий ахборот
воситалари миллий
ассоциацияси томонидан
«Озод юрт тўлқинлари»
VII медиа фестивали
ўтказилди.**



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ЕХХТ, К.Аденауэр жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу медиа фестиваль ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбирга сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, медиа соҳа вакиллари тақдир этилди.

Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдулқодир, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Д.Сабо, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат, К.Аденауэр жамғармасининг ваколатхонаси раҳбари Т.Кунце ва бошқалар Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи демократик ислохотларнинг муваффақиятли кечишида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий медиа соҳани изчил равақ топтириш, унинг жаҳон андозалари даражасида эр-

кин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда яратилган миллий қонунчилик тизими юрдошларимизнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқлари, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш, барча оммавий ахборот воситаларига ташкилий-ҳуқуқий, амалий қўмак кўрсатишда муҳим ҳуқуқий асос

«ОЗОД ЮРТ ТЎЛҚИНЛАРИ» ФЕСТИВАЛИ

бўлиб хизмат қилмоқда. Медиа соҳа равнақи йўлида кўрсатилаётган доимий эътибор натижасида оммавий ахборот воситаларининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий оммавий ахборот воситаларининг равнақи йўлида янги истиқболларни очиб берди.

«Озод юрт тўлқинлари» медиа фестивалидан кўзланган асосий мақсад истиқлол йилларида жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг, ҳуқуқий давлат, қўли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги эзгу интилишлар, маънавий-маърифий юксалиш йўлидаги саъй-ҳаракат-

ларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар онгу шуурига етказиш, бу йўналишда нодавлат телерадио тармоқларда самарали меҳнат қилаётган журналист ва техник ходимларни рағбатлантириш, уларни янгидан-янги ижодий марралар сари руҳлантиришдан иборатдир.

Медиа фестиваль ғолиб ва совриндорлари Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Менинг юртим» мавзусида тайёрланган энг яхши медиа маҳсулот, 2014 йил – Соғлом бола йилига оид энг яхши телерадиомаҳсулот, ёшлар ҳаётини ёритишга қаратилган энг яхши медиа маҳсулот каби учта номинация бўйича «он-лайн» тарзида овоз бериш тартибиде аниқланди.

Мамлакатимизда журналистларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шароит яратиш йўлидаги ишлар ижод аҳлини янада фаол, ташаббускор бўлишга ундамоқда, – дейди фестиваль ғолиби, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг ижтимоий медиа маҳсулотлар лойиҳаси муҳаррири Мадина Йўлдошева. – Бундай ғамхўрлик энг улуг ва азиз қадрият бўлган Мустақиллигимизни, унинг бебаҳо неъматларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, яратилаётган имконият ва шароитларнинг, тинч ва осойишта қунаримизнинг қадрига етишга чорлайдиган, баддий жиҳатдан мукамал материаллар яратиш йўлидаги ўзига хос рағбатдир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

БАЙРАМЛАРИ ЯРАШАДИГАН ЮРТ

Амир Темур маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Эркин Хўжаев маросим қатнашчиларини Энг улуг, энг азиз байрам — Истиқлолнинг 23 йиллиги билан қўлаб, Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида юртимизда амалга оширилган буюк ўзгаришлар ҳақида тўлқинланиб сўзлади. Маданий-маърифий тадбирда сўзга чиққанларнинг ҳар бири асрларга таътигулик йилларда юз берган оламшумул янгиланишлар, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш ва уни эъзозлаш ҳақида, инсон фаровонлиги йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида фахр билан гапирдилар. Келинг, шундай дил сўзларига қулоқ тутаик:

— Ёшим етмишдан ошди, — дейди маҳалла фаоли, профессор Хусан Валижонов. — Умримнинг 23 йиллини Истиқлол йилларида ўтказиб, у берган бахтиёр дамлардан баҳраманд бўлаётганим учун Яратганга шукроналар айтман. Илоҳим юртимизга, байрамлари ўзига ярашадиган гўзал диёримизга асло кўз тегмасин.

— Хур диёримиз ҳам, бизлар яшаётган маҳалламиз ҳам турли миллат

Бугун эрта тонгданоқ шаҳримиздаги «Тарона» ресторани тақдир этилган меҳмонлар билан гавжум бўлди. Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темур номида маҳалла фуқаролар йиғинининг Тошкент Ирригация ва мелiorация институти билан ҳамкорликда Мустақиллигининг кутлуг 23 йиллиги ва Соғлом бола йилига бағишлаб ўтказган маданий-маърифий тадбири унинг ҳар бир иштирокчиси қалбиде унутилмас таассуротлар қолдиргани билан алоҳида ажралиб турди.

ва элат вакилларида иборат. Уларнинг бир оила аъзоларидек аҳил ва иноқ яшаётганини кўриб кўзларим қувнайди, дилларим равшан тортади, — дейди меҳнат фахрийси Борис Чумаченко. — Шундай дорилломон кунлар, ҳукм сураётган тинчлик ва мусавффо осмон қадрига етиб Ватанимизнинг бундан-да шон-шухратга бурканишига ҳисса қўиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки шу кунни ўтказилган тадбирда маҳалланинг ҳар бир фуқароси фаоллик кўрсатди. Болажонларнинг қувончини айтмайсизми? Улар болалар ижоди намуналарини намойиш этиш танловида қатнашиб диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Бо-

лажонларнинг маҳаллада вояга етиб юртимиз шаънини дунёга ёётган спортчилар билан учрашуви айниқса мароқли кечди. Бадий гимнастика ва самбо бўйича чемпионлар, кўпгина нуфузли Халқаро мусобақалар, жаҳон, Осиё биринчиликларида қатнашчилари бўлмиш Анастасия Сердюкова, Бобирбек Эргашбековларнинг болалар спортга қаратилаётган эътибор ҳақидаги мулоқотлари ёш спортчиларда катта ҳавас, ғурур ва қизиқиш уйғотди.

Маданий-маърифий тадбир доирасида ўтказилган суҳбатлар ҳам мароқли кечди, қуйлар қўшиқларга уланди, шўх рақслар қалбларга қувонч ва сурур бағишлади.

Хондамир СОЛИХОВ

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йиғирма уч йиллиги байрами тантаналарининг ўтказилиш муносабати билан йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2014 йил 31 август кунни қуйидаги кўчаларда барча турдаги транспорт воситаларининг ҳаракати чекланиши маълум қилинади.

2014 йил 31 август кунни соат 15.00 дан то 23.00 гача:

Бунёдкор кўчаси — Муқимий кўчасидан Қоратош кўчасигача;
Қоратош кўчаси — Самарқанд дарвоза кўчасидан Ўзбекистон кўчасигача;
Ўзбекистон кўчаси — Бунёдкор кўчасидан Олмазор кўчасигача;
Бобур кўчаси — Ўрикзор кўчасидан Шаршара кўчасигача;

Бешёғоч кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Олмазор кўчасигача;

Фуркат кўчаси — Шаршара кўчасидан А.Навоий кўчасигача;

Олмазор кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Бешёғоч кўчасигача;

Себзор кўчаси тоннелга кириш йўлидан; Зарқайнар кўчаси тоннелга кириш йўлидан.

Шунингдек, 2014 йилнинг 1 сентябрь кунни байрам тадбирлари ўтказиладиган А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига, Тошкент хайвонот боғи олди майдонига, «Кўёшча нури» боғига, Фуркат, Мирзо Улуғбек, Гафур Ғулом, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғларига тўташ кўчаларда халқ сайли вақтида вазият тақозо этганда транспорт воситаларининг қатнови вақтинча тўхтатилиши мумкин. Шароит тақозо этганда бошқа кўчаларда ҳам қисқа муддатта транспорт воситалари ҳаракати чекланиши мумкин.

**Юртимизга куз фасли
яқинлашгани билан
шаҳримиздаги очик
майдонларда ва йўл четларида
хазонлар ёнишга тайёр ҳолга
келмоқда. Жумладан, Тошкент
шаҳрида 2014 йилнинг август
ойи давомида очик майдонлар
ва йўл четларида қуруқ
ўтларнинг ёниш натижасида 75
та ёнғин содир бўлиб, барчаси
ўз вақтида қуруқ ўтлар йўл
четларида тозаланмаганлиги
натижасида юзгага келган.**

«101»

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Бугунги кунда туман ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан туманда жойлашган барча маҳалла ва ХУЖМШларда, қорхона ва ташкилотларда ўтказилган учрашуларда ҳудудларини ўз вақтида қуруқ ўтлардан тозалаш тўғрисида тарғибот ишлари олиб борилиб, қуруқ ўтлар ёниши натижасида ёнғинлар фуқаролар яшаш уйлари ва қорхона-ташкилотларга ўтиб кетиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Атроф-муҳит тозаланиши ва ўз соғлиғимизни сақлашимиз мақсадида барчамиз доимо яшаш уйларида атрофларини ўз вақтида қуруқ ўт ва қичқиндилардан тоза сақлашимиз керак.

Уйғун КЕЛДИЕРОВ,
Сергели тумани ИИБ ЁХБ
инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунаро коллежи ошхонасида 2014-2015 ўқув йилида фаолият олиб бориш учун тендер эълон қилади.
Манзил: 100095. Умид кўчаси, 16-уй.
Тел. 227-14-08, 246-59-99.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Барча турдаги қорхона ва ташкilotлар диққатиға!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ишлар бошқармасининг қурилаётган бино ва иншоотлар бирлашган дирекцияси

**«Лот-1: «Ўзбекистон Республикаси
Президенти Девони бинолар комплексини
реконструкция қилиш» юзасидан жумладан
қуйидаги ишлар бўйича:**

- «ССТ ва ИСТ тармоқларини реконструкция қилиш»;
- «Матбуот маркази биносини реконструкция қилиш (2014 йилнинг 1 чораги ҳолатига қайта ҳисобланган нархда)».

Объекти бўйича қайта танлов савдоси (тендер)
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Буюртмачининг
белгиланган
бошланғич нархи:** 1 711 564 441 сўм ҚҚС билан
1 426 303 702 сўм ҚҚС сиз
Қурилиш муддати: 10 ой.

Танлов савдолари ташкилотчиси: Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг маркази
Давоғар сифатида тендерда иштирок этмокчи бўлган қорхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: айланма маблағлари танлов савдоси йўналишининг 20 % дан кам бўлмаслиги ёки қўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, танлов объектига ўшаш объектларда ишлаш бўйича иш таърибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиш.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва хориқлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нархга оид имтиёзлар қўзда тутилган: улар бўйича импорт қилувчилар қонунчилиққа мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тақдирда танлов иштирокчиларининг танлов тақлифлари ишлар (хизматларни) импорт етказиб беришда қўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдоларда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш зарур: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел: 244-12-17, 244-07-65. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 (бир юз минг) сўм. Савдо ташкилотчисиға оферталарни тақдим этишнинг сўнгги муддати оферталарни очиш кунни ва соатига.

Оферталарни очиш қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади: Тошкент ш. Амир Темур шоҳ кўчаси (собиқ Мовароуннаҳр кўчаси), 3, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, эълон чоп этилгандан сўнг 15 кундан кам бўлмаган муддатда.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқич-ма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган тақрорий очик аукцион савдосига тақдир этилади!

Тошкент вилояти Қийрай тумани СИБ томонидан: 1. 2011 йил 13 июлдаги 4912-сонли ижро ҳужжатиға асосан: Бошланғич баҳоси — 93 099 466 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қийрай тумани, Оқ-қовоқ ҚФЙ, Узумзор маҳалласи манзилидаги: 0,12 Га ер майдонида жойлашган қурилиш тугалланмаган «Савдо дўконлари»; 2. 4708/8-сонли ижро варақасига асосан: Бошланғич баҳоси — 46 897 428 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қийрай тумани, Байтўғрон ҚФЙ, СВТ Юлдузча, 50-уй манзилида жойлашган: ер майдони 635,12 кв.м., фойдаланиш майдони 62,88 кв.м. бўлган «Дала ҳовли»; 3. 2010 йил 20 майдонда 4733-сонли ижро ҳужжатиға асосан: Бошланғич баҳоси — 16 107 660 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қийрай тумани, Чинобод ҚФЙ манзилида жойлашган: умумий майдони 821,0 кв.м. бўлган «Уй-жой»; 4. 2012 йил 20 декабрдаги 4040/8-сонли ижро ҳужжатиға асосан: Бошланғич баҳоси — 148 173 447 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қийрай тумани, Қийрай ҚФЙда жойлашган: қурилиш жой участкаси 545,88 кв.м. бўлган «Кўчмас мулк»; 5. 4707/11-сонли ижро ҳужжатиға асосан: Бошланғич баҳоси — 252 091 979 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қийрай тумани, Байтўғрон ҚФЙ ҳудудидеги, 31-А ва 31-Б манзилида жойлашган: ер майдони 1284,0 кв.м. бўлган 6 та хона, ошхона, ҳаммом ва ҳоҳотхонадан иборат «Дала ҳовли»; 6. 2013 йил 7 октябрь 17718-сонли ижро ҳужжатиға асосан: Бошланғич баҳоси — 126 369 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қийрай тумани, Ўнқўрғон ҚФЙ, Чимкент кўчаси манзилида жойлашган: қурилиш тугалланмаган 1 қаватли, 201,22 кв.м. бўлган «Кўчмас мулк»; 7. 2013 йил 7 октябрьдаги 17721-сонли ижро ҳужжатиға асосан: Бошланғич баҳоси — 286 956 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қийрай тумани, Қийрай ҚФЙ, Навоий кўчаси, 113-уй манзилида жойлашган: қурилиш тугалланмаган 2 қаватли «Кўчмас мулк» тақроран савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2014 йил 10 сентябрь кунни соат 12:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш, аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «NEW ESTATE ACTION» МЧЖнинг ОАИТЕ «Ипак йўли» Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, х/р: 20208000104995394001, МФО: 01101, ИНН: 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқасарой тумани, М.Тўрабой кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13. Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0148.



Тошкент шаҳрида 30 август кунни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғин-гарчилик бўлмайди. Шарқдан секундиға 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 19-21, кундузи — 37-39 дориде бўлади.

даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға қўра, 30 августда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво мўғарчилиқ бўлмайди. Ҳитда зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишиға имконият яратилмади. Ҳарорат кечаси 19-21, кундузи — 37-39 дориде бўлади.



Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти» — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишини мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6527 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ